

"ТАСДИКЛАЙМАН" Поп туман  
Халқ таълим бўлими мудир



Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли  
36-мактабнинг иссиқлик тизимини мукамал  
таъмирлаш учун лойиха-смета (экспертиза хулосаси)  
хужжатларини тайёрлаш бўйича

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

Поп тумани-2022

# 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

## 1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Бажариладиган хизматлар тури	Миқдори
1	Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли 36-мактабнинг иссиқлик тизимини мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета (экспертиза хулосаси) ҳужжатларини тайёрлаш	1

1.2. Танлов климата **18 000 000** (ўн саккиз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулот бўйича Техник топшириқ, танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғалиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Поп тумани Халқ таълим бўлими "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп шаҳар Истиклол кўчаси № 6-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;,-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

"Тасдиқлайман" Поп туман Халқ таълим бўлими мудар  
А.Хусайнов.



4-ноябрь 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

*{техническое задание}*

Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли  
36-мактабнинг иссиқлик тизимини мукаммал  
таъмирлаш учун лойиха-смета (экспертиза хулосаси)  
хужжатларини тайёрлаш хизмати.  
БИОРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

Поп тумани-2022

Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли 36-мактабнинг иссиқлик тизимини мукамал таъмирлаш учун лойиха-смета (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёрлаш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

№	Асосий талаблар (основной требования)	Асосий маълумот ва талаблар (основной информация и требования)
1.	Бюртмачи (заказчик)	Поп туман Халқ таълими бўлими
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади.
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта - сум (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари „ (условия оказания услуг)	Техник топшириқлар миждзинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Етказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	Опенбюджкт
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.